

ЎЗБЕК ТИЛИГА ТАРЖИМАЛАР



Журналимизда «ХОРИЖИЙ ТИЛНИ БИЛИШНИНГ УМУМЕВРОПА КОМПЕТЕНЦИЯСИ: ЎРГАНИШ, ЎРГАТИШ, БАҲОЛАШ» номли китобнинг ўзбек тилига таржимасини эълон қилиб борамиз. Ҳозир эътиборингизга ушбу китобнинг биринчи бобини тақдим этамиз.

1-боб: СИЁСИЙ ВА ТАЪЛИМИЙ КОНТЕКСТДА «ХОРИЖИЙ ТИЛНИ БИЛИШНИНГ УМУМЕВРОПА КОМПЕТЕНЦИЯСИ: ЎРГАНИШ, ЎРГАТИШ, БАҲОЛАШ»

1.1. «Хорижий тилни билишнинг умумевропа компетенцияси: ўрганиш, ўргатиш, баҳолаш» нима?

«Умумевропа компетенциялари» («Компетенциялар») умумевропа маконида ўқув дастурлари, имтиҳон материаллари, дарсликлар ва бошқаларни ишлаб чиқиш учун асос тавсия этади. «Компетенциялар» оммабоп ва тушунарли шаклда тил ўрганувчи ундан мулоқот мақсадларида фойдаланиш учун нималарни ўзлаштириши кераклиги, шунингдек коммуникация муваффақиятли бўлиши учун қандай билим ва кўникмалар зарур бўлиши зарурлигини белгилайди. «Компетенциялар» тилнинг ишлашининг маданий контекстини, шунингдек, тилни эгаллаш даражасини белгилаб, тилни ўрганувчининг натижаларини бутун ҳаёти давомида қайд этиб бориш имконини беради.

«Компетенциялар» Европа таълим тизимларидаги фарқлар боис замонавий тиллар соҳасида мутахассисларнинг ўзаро мулоқоти жараёнида юзага келадиган тўсиқларни бартараф этиш мақсадини кўзлайди.

Улар ўқитувчиларни касбий тайёрлаш соҳаси маъмурларига, курсларнинг яратувчиларига, ўқитувчиларига, мутахассисларига, имтиҳон комиссияларига ва бошқаларга ўз фаолиятларини англаш, ҳамда ўқувчиларининг ҳақиқий эҳтиёжларини қондиришга қаратилган ўз ҳаракатларини мувофиқлаштириш имконини беради.

«Компетенциялар» мақсадлар, мазмун ва услубларни аниқ таърифлаш учун асосни тавсия этар экан, курслар, дастурлар ва баҳолаш мезонларининг шаффоф бўлишига ёрдам кўрсатади, ҳамда шу орқали замонавий тиллар соҳасида халқаро ҳамкорлик учун шароит яратади. Тилни ўзлаштирганлик даражасини баҳолашнинг объектив мезонларини ишлаб чиқиш турлича ўқув контекстларида олинган малака даражаларининг тан олиншини таъминлайди ва ўз навбатида, Европа ҳудудида эркин ҳаракатланишга имкон беради.

CEFR = Common European Framework Reference		
LEVELS		CEF
2		A 1 Basic English User
3, 4		A 2 Basic +
5, 6		B 1 Independent
7, 8, 9		B 2 Independent +
10, 11		C 1 Advanced
12		C 2 Proficient

«Компетенциялар»нинг мураккаб ҳодиса ҳисобланган тилни ўрганувчи таксономик хусусияти тилнинг барча соҳаларини ташкил этувчи ҳодисалар комплексини алоҳида қисмларга ажратишни талаб этади. Бу жараёнда маълум бир психологик ва педагогик

муаммолар юзага келади. Мулоқот жараёнида инсон шахсининг барча жиҳатлари амал қилади. Ҳар бир инсоннинг ўзига хослиги қуйида ажратиб кўрсатилган ва келтирилган компетенцияларнинг мураккаб ўзаро муносабати билан белгиланади. Ҳаёти давомида ижтимоий субъект ҳисобланган

CEFR

- European language neutral framework of reference for development and assessment of proficiency in FL by adult learners
- Providing common meta-language and common reference points for plurilingual education (FL)
- Action-oriented approach; Descriptive Scheme for language use: competences, activities and strategies, tasks and purposes, domains, text types, themes, situations (contexts of use), conditions and constraints
- 6 (9) Common Reference Levels: global scale, self-assessment scale, 54 scales of illustrative descriptors (qualitative and quantitative can-do statements)

Council of Europe

инсон турли туман, кўпинча қайта қайта тўқнаш келадиган ижтимоий гуруҳлар билан мулоқотга киришади ва уларнинг сони доимий равишда ортиб боради. Уларнинг барчаси йиғилиб, индивиднинг шахсига таъсир кўрсатади. Маданиятлараро ёндашув доирасида тил ўргатиш таълимининг асосий вазифасини янги олинган тилга ва маданиятга оид тажрибалар асосида ва натижасида шахсни ва унинг ўзлигини англашини ижобий ривожлантириш ташкил этади. Бу жараёнда ўқитувчилар ва ўқувчилар самарали натижага эришиш учун турли таркибий қисмларни қандай қилиб интеграциялашни ўзлари ҳал қилишлари зарур.

«Компетенциялар» ўз ичига тилни чекланган даражада билиш (асосан гаплашиш эмас, балки тушуниш учун) талаб этиладиган, ёки ўқув вақти қисқа бўлганда учинчи ёки тўртинчи тилни ўрганишда асосий эътибор эслаб қолишга эмас, балки таниб қолишга қаратилиши йўли билан катта натижага эришиш мумкин бўлган ҳолатларда қўлланиладиган “қисман” малака тавсифлари баёнини олади. Бундай компетенцияларнинг расман тан олинishi ўрганиладиган Европа тиллари сонининг ортиши ҳисобига кўп тиллиликнинг ривожланишига имкон яратади.

1.2. Европа Кенгаши тил соҳасида сиёсатининг мақсад ва вазифалари

«Компетенциялар» вазирлар Қўмитасининг R(82)18 ва R(98)6 Тавсияларида Европа Кенгаши томонидан белгилаб берилган мақсадларга хизмат қилиши керак, яъни: “иштирокчи давлатларнинг янада яқиндан бирлашишига кўмаклашиш ва бу мақсадга маданият соҳасидаги ҳамкорликдаги ҳаракатлар орқали эришиш”.

Европа Кенгаши маданий ҳамкорлик бўйича Кенгашининг замонавий тиллар соҳасидаги бир қатор лойиҳаларни амалга ошираётган фаолияти ҳаракатларнинг мувофиқлаштирилганлиги ва изчиллигига, шунингдек Европа Кенгаши вазирлар Қўмитасининг R(82) 18 Тавсияларининг кириш қисмида ақс этган учта асосий принципга риоя этишга асосланган:

- Европанинг бой тил ва маданий мероси қимматли умумий манба ҳисобланади ва уни авайлаб-асраш ҳамда ривожлантириш керак. Таълим тиллар хилма хиллиги оқибатида юзага келаётган мулоқотдаги тўсиқларни енгиб ўтишга хизмат қилиши, тилларнинг турли туманлиги ўзаро бир бирини тўлдириш ва бойитиш манбасига айланиши керак;

- фақат замонавий тилларни ўрганишни такомиллаштириш йўли билан турли тилларда гаплашадиган европаликларнинг ўзаро алоқаси ва мулоқотига, аҳолининг кўчиб юриш эркинлигини оширишга, ўзаро ишонч ва ҳамкорликни ривожлантиришга, нотўғри қарашлар ва камситишларни енгиб ўтишга кўмаклашишга эришиш мумкин;

- иштирокчи давлатлар ўзларининг тил ўрганиш соҳасидаги миллий дастурларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш жараёнида ўз сиёсатини мувофиқлаштириш ва ҳамкорлик қилиш йўли билан ўз ҳаракатларини Европа даражасида келишиб олишлари мумкин.

Мазкур принциплардан келиб чиқиб, вазирлар Қўмитаси иштирокчи давлатларни қуйидагиларга чақиради:

(F14) Замоनावий тиллар соҳасида ўқитиш ва баҳолаш методикасини ишлаб чиқиш, тегишли материалларни, шу жумладан мультимедиавий материалларни яратиш билан шуғулланаётган ҳукумат ва ноҳукумат институтларининг миллий ва халқаро даражадаги ҳамкорлигини қўллаб-қувватлаш.

(F17) Тилларни ўқитиш, ўрганиш ва тадқиқотлар олиб бориш муаммолари борасидаги ахборотларни алмашиш бўйича Европа тизимини яратиш жараёнларини якунига етказиш учун барча мавжуд ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда зарур чораларни кўриш.

Шундай қилиб, маданий ҳамкорлик бўйича Кенгаш, таълим бўйича Кенгаш ва замоनावий тиллар бўлимининг фаолияти фундаментал принциплардан келиб чиққан ҳолда тилларни ўрганиш жараёнини такомиллаштириш, шунингдек R(82)18 Иловалари ва Тавсияларида белгилаб берилган тадбирларни амалга ошириш мақсадида иштирокчи давлатлар ҳукумат ва ҳукуматга қарашли бўлмаган институтларининг интилишларини рағбатлантириш, қўллаб-қувватлаш ва мувофиқлаштиришга йўналтирилган.

Асосий тадбирлар:

1. Аҳолининг барча қатламлари учун иштирокчи давлатларнинг (ёки ўз давлатида яшовчи бошқа халқларнинг) тилларини ўрганишнинг барча самарали усулларида фойдалана олиш имкониятини яратиш. Қуйидаги коммуникатив эҳтиёжларни қондириш имконини берадиган тилларда мулоқот қила олиш кўникмасини ривожлантириш имкониятини таъминлаш:

1.1 бошқа мамлакатда яшаш билан боғлиқ кундалик масалаларни ҳал қилиш; сизнинг мамлакатингизда истиқомат қилувчи хорижликларга кундалик масалаларни ҳал этишда ёрдам бериш;

1.2 чет тилида сўзлашувчи ёшлар ва катта ёшдаги инсонлар билан ахборот алмашиш, мулоқот жараёнида ўз фикрлари ва туйғуларини баён этиб бера олиш;

1.3 бошқа халқларнинг маданияти, турмуш тарзи ва фикрларини чуқурроқ тушунишни ривожлантириш.

2. Ўқитувчилар ва барча даражадаги тил ўрганувчиларнинг Европа Кенгаши томонидан ишлаб чиқилган “Замоनावий тиллар” дастури асосида тилларни ўрганиш тизимини жорий этиш борасидаги ҳаракатларини қуйидагилар асосида рағбатлантириш, қўллаб-қувватлаш:

2.1 тилларни ўқитиш ва ўрганишни ўқувчиларнинг эҳтиёжларига, кизиқишларига, шахсий қобилиятларига ва имкониятларига мослаштириш;

2.2. ўқувчилар эгаллаши мумкин бўлган ва долзарб мақсадларни аниқ ва асосли шакллантириш орқали;

2.3 тегишли методика ва материалларни ривожлантириш йўли билан;

2.4 ўқув дастурларини баҳолашнинг тегишли шакл ва воситаларини ривожлантириш орқали.

R(98)6 Тавсияларининг “Кириш” қисмида замонавий тиллар соҳасидаги сиёсий вазифа ва тадбирлар белгилаб берилган:

- аҳолининг кўчиб юриш эркинлиги ортиши, таълим, маданият, фан, шунингдек савдо ва ишлаб чиқариш соҳаларидаги яқин ҳамкорлик натижасида юзага келаётган масалаларни ҳал қилишга европаликларни тайёрлаш;

- халқаро алоқаларни қўллаб-қувватлаш орқали шахс ва маданий хилма хилликни ҳурмат қилиш, ўзаро тушунишга қўмаклашиш;

- бошқа давлатлар ва халқларнинг тилларини, шу жумладан кам ўрганиладиган тилларни ўрганишни рағбатлантириш орқали Европадаги маданиятлар хилма хиллиги ва бойлигини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш;

- маданий хилма хиллик ва кўп тилли Европа шароитида истиқомат қилаётган европаликларнинг маданиятлараро муносабатлардаги эҳтиёжларини қонлиришга қўмаклашиш. Бу жараён таълимнинг барча босқичларида тегишли институтлар томонидан узоқ муддатли марказлашган қўллаб-қувватлаш ва молиялаштиришни талаб этади;

- интерактив Европада мулоқотга киришиш учун зарур бўлган кўникмаларга эга бўлмаган фуқароларнинг муаммоларини ҳал қилишга ёрдам бериш;

Давлат раҳбарларининг олий даражадаги биринчи учрашувида охириги масалага алоҳида эътибор қаратилди. Ксенофобия ва тажовузкор миллатчилик Европадаги интеграциялашув ва кўчиб юриш эркинлиги жараёнлари йўлидаги асосий тўсиқлардан бири эканлиги, ҳамда Европадаги демократия ва барқарорликка таҳдид қолиши таъкидланди. Олий даражадаги иккинчи учрашувда фуқароларни демократик жамиятда яшашга тайёрлаш асосий мақсад сифатида белгиланди ҳамда шу орқали сўнгги вақтларда илгари сурилган мақсадларнинг нақадар долзарблиги қайд этилди.

Фикрлаш, мулоҳаза юритиш ва ҳааркат қилиш борасидаги мустақилликни ўзаро муносабатга киришиш ва масъулият ҳисси билан биргаликда ривожлантирувчи замонавий тилларни ўқитиш услубларини қўллаб-қувватлаш.

Мазкур мақсадлардан келиб чиқиб Вазирлар Қўмитаси қуйидагини қайд этди: “Паневропа контекстида тиллар хилма хиллигини қўллаб-қувватлаш мақсадида тилларни ўрганишни диверсификация қилиш ва

интенсивлаштириш стратегияларини ишлаб чиқиш каби ўзига хос соҳаларни ривожлантириш бугун ҳам, келгусида ҳам катта сиёсий аҳамиятга эга бўлиб қолаверади”.

1.3 Кўп тиллик нима?

Сўнгги вақтларда кўп тиллик концепцияси Европа Кенгашининг тилларни ўрганиш муаммосига ёндошувида асосий ўрин тутмоқда. Кўп тиллик – бир нечта тилларни билиш ёки маълум бир ҳамжамиятда бир нечта тилларнинг ёнма-ён мавжуд бўлишини англатадиган тиллар хилма-хиллиги эмас. Тиллар хилма-хиллигига ўрганиш учун тавсия этилаётган тиллар сонини ошириш, ёки ўқувчиларни бир нечта хорижий тилларни ўрганишга рағбатлантириш, бир нечта хорижий тилларни ўрганиш имкониятини ошириш ёки халқаро мулоқотда инглиз тилининг ҳукмронлик ўрнини чеклаш орқали эришиш мумкин. Кўп тиллик индивидумнинг оиласида қўлланиладиган тилдан жамиятда қўлланиладиган тилгача ва кейинчалик бошқа халқларнинг тилларини(мактабда, коллежда ёки бевосита мулоқот жараёнида ўрганилган) ўзлаштиришгача бўлган маданий жиҳатдан тил борасидаги тажрибаси кенгайиши баробарида юзага келади; индивидум бу тиллар ва маданиятларни бир биридан алоҳида “сақламайди”, балки барча билим ва тил борасидаги тажрибаси асосида мулоқот компетенциясини шакллантиради, бунда тиллар ўзаро боғланган ва муносабатда бўлади. Вазиятдан келиб чиқиб, индивидум аниқ бир суҳбатдош билан муваффақиятли мулоқотга киришиш учун мазкур компетенциянинг исталган қисмидан бемалол фойдалана олади. Масалан, шериклар бир тил ёки диалектдан бошқасига бемалол ўтишлари мумкин, ҳамда бу билан ўзларининг фикрларини битта тилда баён этиш ва бир бирларини тушуниш қобилиятларини намоён этишади. Инсон бир нечта тилни билиш борасидаги билимидан ўзи учун нотаниш бўлган тилдаги ёзма ёки оғзаки матнни тушуниш учун фойдаланиши мумкин, бунда бир неча тилларда ўхшаш ёзиладиган ва талаффуз қилинадиган сўзларни “янгича шаклда” таниш усулидан фойдаланилади. Хатто бу борада юзаки бўлсада, маълум бир билимга эга кишилар умуман ҳеч қандай билимга эга бўлмаган ва бир хил тилни билмайдиган суҳбатдошларга мулоқот жараёнида ёрдам беришлари мумкин. Воситачи бўлмаган ҳолларда эса суҳбатдошлар мавжуд бутун лингвистик захираларини ишга солиб, турли тил ва диалектлардаги ҳар хил ифода шаклларида фойдаланиб (мимика, имо-ишоралар, юз ифодаси ва бошқалар), ҳамда тилдан фойдаланишни имкон қадар соддалаштирган ҳолда бир бирларини тушунишлари мумкин бўлади.

Шу нуқтаи назарда олганда тил ўргатиш таълимининг мақсади ўзгаради. Ҳозир битта, иккита ёки учта тилни бир биридан алоҳида олиб мукамал ўрганиш мақсад бўлмай қолди. Бугунги мақсад барча лингвистик кўникмаларга жой бўлган лингвистик репертуарни ривожлантиришдан иборат бўлмоқда. Таълим муассасалари ўрганиш учун хилма-хил тилларни таклиф этишлари ҳамда ўқувчиларга кўп тиллик компетенциясини ривожлантириш учун имконият яратиб беришларини назарда тутати. Бундан ташқари, агар биз тил ўрганиш бутун умр мобайнида давом этишини тан оладиган бўлсак, ёш ўқувчиларни мактабдан ташқарида янги тилга дуч келганда интилишларини, кўникмаларини ва ўзларига ишончини рағбатлантириш муҳим аҳамият касб этади. Гарчи маълум вақт ичида маълум бир тилни ўзлаштириш борасида зарур даражага эришиш ҳам муҳим бўлсада, ўқитувчилар, имтиҳон олувчилар ва тегишли раҳбарларнинг вазифалари бу билан чекланиб қолмайди.

Парадигманинг бу қадар сезиларли ўзгаришини ҳали ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш зарур. Европа Кенгашининг тил борасидаги дастуридаги сўнгги ўзгаришлар тил ўқитувчилари кўп тилни биладиган шахсни ривожлантиришга кўмаклашадиган воситани ишлаб чиқишга қаратилгандир. Жумладан, Европа тил портфели (ЕТП) тил ўрганиш ва маданиятлараро мулоқот борасидаги турли туман тажрибалар қайд этиладиган ва расман тан олинган ҳужжат сифатида қаралиши мумкин. Шу мақсадда «Компетенциялар» тилни ўзлаштириш даражаси тизиминигина намоён этмайди, балки тил ва тил компетенцияларидан фойдаланиш ҳолатларининг ўзига хосликларини ҳам белгилаб беради. Бу эса мутахассисларга ўқувчиларнинг эҳтиёжлари, индивидуал қобилиятлари ва имкониятларидан келиб чиқиб, турли соҳалардаги мақсадларни ажратиб олиш ва эришилган натижаларни қайд этиш имконини беради.

1.4 «Хорижий тилни билишнинг умумевропа компетенцияси: ўрганиш, ўргатиш, баҳолаш» нима учун керак?

Швейцария ҳукумати ташаббуси билан Рюшликон (Швейцария, 1991 йил ноябрь)да ўтказилган “Европада тилларни ўрганиш жараёнининг шаффофлиги ва изчиллиги: Мақсадлар, баҳолаш, Аттестация” мавзусидаги ҳукуматлараро сипозиум материалларига асосан:

1. Иштирокчи давлатларда тилларни ўргатиш ва ўрганишни янада ривожлантириш қуйидагиларни таъминлаш учун зарур: кўчиб юришнинг кенг эркинлиги, миллий ўзига хослик ва маданий хилма хилликни ҳурмат қилиш билан уйғун ҳолда турли халқлар вакиллари ўртасидаги мулоқотнинг

нисбатан муваффақиятли бўлиши, ахборот олиш имкониятини осонлаштириш, шахсий муносабатларни кучайтириш, ишбилармонлик муносабатларини такомиллаштириш, янада чуқурроқ бир бирини тушунишга эришиш.

2. Мазкур мақсадларга эришиш учун бутун умр мобайнида узлуксиз тил ўрганиш мактабгача таълим тизимидан бошлаб катталарни ўқитишгача бўлган барча таълим тизимларида доимий қўллаб-қувватланиши керак.

3. Қуйидагиларга эришиш учун барча даражалар учун тил билишнинг “Умумевропа компетенцияси”ни ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқдир:

- турли мамлакатлар таълим муассасаларининг ҳамкорлигини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш;
- берилган малака даражаларининг ўзаро тан олиниши учун ишончли асос яратиш;
- ўқувчилар, ўқитувчилар, курсларни яратувчилар, имтиҳон олувчилар ва тегишли раҳбарларга ўз интилишларини йўлга солиш ва мувофиқлаштиришда кўмаклашиш.

Кўп тилликни фақат кўп маданиятлик контекстидагина кўриб чиқиш мумкин. Тил нафақат маданиятнинг асосий таркибий қисмларидан бири, балки маданиятни тушуниш учун калит ва восита ҳам ҳисобланади. Юқорида қайд этилганлардан аксариятини кенгроқ контекстга ҳам тадбиқ этиш мумкин. Инсоннинг маданий компетенцияси, ушбу инсон фойдалана оладиган маданиятлар йиғиндиси (миллий, диний, ижтимоий), шунчаки бир бири билан ёнма ён мавжуд бўлмайди. Улар солиштирилади, қарама қарши қўйилади ва фаол ўзаро муносабатга киришади, шу орқали бойитилган, интеграциялашган кўп маданиятлик компетенцияни ташкил қилади. Бошқа компетенциялар билан ўзаро муносабатга киришадиган кўп тиллик компетенцияси унинг таркибий қисми ҳисобланади.

1.5. «Хорижий тилни билишнинг умумевропа компетенцияси: ўрганиш, ўргатиш, баҳолаш»ни қандай ва нима учун қўллаш керак?

«Компетенциялар» қуйидаги мақсадларда қўлланилиши мумкин -

Қуйидаги масалаларни ҳал этишда тилларни ўрганиш дастурларини режалаштириш учун:

- илгари, айниқса таълимнинг оралиқ босқичларида олинган билимларни қўллаш тўғрисида; ўрта мактабнинг бошланғич синфидан кичик ва катта синфларига, кейин эса олий мактабга ўтишда;
- таълим мақсадлари тўғрисида;
- таълимнинг мазмуни тўғрисида.

Қуйидаги масалаларни ҳал этишда тил бўйича аттестацияни режалаштиришда:

- имтиҳон дастурининг мазмуни тўғрисида;
- камчиликларни эамс, балки натижаларни ҳисобга олувчи баҳолаш мезонлари тўғрисида.

Қуйидагиларни ўз ичига олган ҳолда тилни мустақил ўрганиш бўйича режаларни тузиш учун:

- тилни билишнинг ҳозирги даражасини мустақил аниқлаш;
- ўзи учун муҳим бўлган ва аниқ мақсадларни мустақил белгилаб олиш;
- материалларни танлаш;
- ўз ўзини баҳолаш.

Ўқитиш ва аттестация дастурлари қуйидагича бўлиши мумкин:

- *глобал*, ўрганувчининг кўникма ва мулоқот компетенцияларини ҳар томонлама ривожлантирувчи;
- *модулли*, аниқ мақсад йўлида маълум бир соҳадаги кўникмаларни ривожлантирувчи;
- *ўйланган*, алоҳида соҳалардаги кўникмаларни ривожлантиришга эътибор қаратувчи, бунинг натижасида айрим соҳаларда кўникмалар бошқаларига нисбатан юқорироқ даражага етади;
- *қисмли*, асимметрик, бошқаларини эътибордан четда қолдирган ҳолда фаолиятнинг айрим кўникма ва турларинигина (масалан, фақат идрок қилишни) ривожлантирувчи.

«Компетенциялар» мазкур турлича шаклларни ҳисобга олган ҳолда тузилган.

Тил ўрганишнинг юқори босқичларида «Компетенциялар»нинг ролини кўриб чиқишда тил ўрганувчиларнинг эҳтиёжларида юз берадиган ўзгаришларни ҳамда улар яшаётган, ўқиётган ва ишлаётган вазиятни ҳисобга олиш керак.

Бошланғич даражадан юқорироқ бўлган даража учун умумий характерга эга параметрларни ишлаб чиқиш зарурати мавжуд бўлиб, буни «Компетенциялар» ёрдамида амалга ошириш мумкин. Мазкур параметрлар аниқ белгиланган, миллий вазиятларга мослаштирилган бўлиши ва янги соҳаларни, айниқса маданий ва касбий йўналишларда қамраб олиши керак. Бундан ташқари, тил ўрганувчиларнинг эҳтиёжлари, ўзига хосликлари ва имкониятларидан келиб чиқиб яратилган модуллар ҳам сезиларли роль ўйнаши мумкин.

1.6 «Хорижий тилни билишнинг умумевропа компетенцияси: ўрганиш, ўргатиш, баҳолаш» қайси мезонларга мос келади?

Ўз вазифаларини муваффақиятли бажариши учун «Компетенциялар» кенг қамровли, шаффоф ва изчил бўлиши керак.

“Кенг қамровли” деганда «Компетенциялар» тилдан фойдаланишда тилга оид билим, кўникма ва ҳолатларнинг тўлароқ спектрини (албатта, тилдан фойдаланишнинг барча эҳтимолий ҳолатларини олдиндан кўра билишнинг имкони йўқ) намоён этиши, ҳамда барча фойдаланувчилар «Компетенциялар» асосида ўзларининг мақсад ва вазифаларини баён этишлари тушунилади.

«Компетенциялар»да дифференцияланган ҳолда хорижий тилни билиш даражасининг турли параметрлари кўриб чиқилади ҳамда тилни билишни текшириш ва баҳолаш имконини берадиган ўлчов тизими (босқичлар ёки даражалар) ажратиб кўрсатилади. Шунинг назарда тутиш керакки, мулоқот компетенциясини ривожлантириш ўзининг лингвистик хусусиятлари (масалан, ижтимоий маданий компетенция, ижодий фаолият тажрибаси, аффектив таркибий қисм, ўқиш кўникмаси ва бошқалар)дан ташқари ўз ичига турли хусусиятларни ҳам олади.

“Шаффофлик” тушунчаси мавжуд ахборот фойдаланувчи учун тушунарли ва қулай тарзда аниқ ва изоҳли қилиб баён этилиши кераклигини англатади.

“Изчиллик” деганда тавсифда ички қарама-қаршиликлар бўлмаслиги тушунилади. Таълим тизимларига нисбатан қўлланилганда изчиллик барча таркибий қисмларнинг уйғун тарзда бўлишини назарда туттади, яъни:

- эҳтиёжларни аниқлаш;
- мақсадларни ажратиб олиш;
- мазмунни аниқлаш;
- материалларни танлаш ёки яратиш;
- ўқитиш/ўрганиш дастурларини ишлаб чиқиш;
- ўқитиш ва ўрганишда қўлланиладиган услубларни танлаш;
- баҳо бериш, тест ўтказиш ва баҳолаш.

Кенг қамровли, шаффоф ва изчил «Компетенциялар»нинг яратилиши қандайдир бир қолипга солинган тизимни мажбурлаб киритишни назарда тутмайди. Аксинча, «Компетенциялар» зарурат бўлганда аниқ вазиятларга мослаштириш имконини берадиган даражада очик ва ўзгарувчан бўлиши керак. «Компетенциялар» қуйидагича бўлиши зарур:

• *кўп мақсадли*: тил ўрганиш жараёнини режалаштириш ва таъминлаш учун кенг миқёсли мақсадларда қўлланиладиган;

- *ўзгарувчан*: турли вазиятларга мослаштириш мумкин бўлган;

- *очиқ*: келгусида кенгайтириш ва аниқлик киритиш учун имконият берадиган;
- *динамик*: фойдаланиш даражасига қараб келгусида такомиллаштириш мумкин бўлган;
- *фойдаланишига осон*: фойдаланувчилар учун қулай ва тушунарли шаклда тақдим этилган;
- *догматик эмас*: бирёқлама ва қайсидир битта лингвистик назария ёки амалиётга ёпишиб олган бўлмаслик.

Давоми кейинги сонда.

Наргис Қосимова таржимаси.